

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 934-ҳадис

934/1959 - عَنْ أَسْمَاءَ بِنْتِ أَبِي بَكْرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَتْ: أَفْطَرْنَا عَلَى عَهْدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَوْمَ غَيْمٍ، ثُمَّ طَلَعَتِ الشَّمْسُ.

934.1959. Асмо бинт Абу Бакр розияллоху анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васалламнинг даврларида булутли кунда ифтор қилдик, сўнг қуёш кўришиб қолди».

Ҳишомга: «Кейин улар қазосини тутиб беришга буюрилдими?» дейилган эди, у: «Қазодан бошқа нима ҳам қилинарди?» деди.*

Маъмар айтади: «Мен Ҳишомнинг «Қазо тутишганми-йўқми, билмайман», деганини эшитганман».

* Ҳишом ибн Урва - ҳадисни қариндоши Фотима орқали Асмо розияллоху анҳодан ривоят қилган ровий.

Манба: hadis.islom.uz

